

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017 Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

НЕМАТОВ УЛУҒБЕК МУХТАРЖАНОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СОЯ
НАВЛАРИДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШДА
СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ АСОСЛАШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract doctorol dissertation (DSc)

Нематов Улуғбек Мухтаржанович

Фарғона водийси шароитида такрорий экин соя навларидан юқори ва сифатли хосил етиштиришда суғориш тизимларини асослаш..... 3

Нематов Улуғбек Мухтаржанович

Обоснования системы орошения сортов повторной культуры сои для выращивания высокого и качественного урожая а условиях Ферганской долины..... 29

Nematov Ulug`bek Muxtarjanovich

Justification of irrigation systems in cultivation of high and qualitative harvest from soybean sorts in conditions of fergana valley:..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017 Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

НЕМАТОВ УЛУҒБЕК МУХТАРЖАНОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СОЯ
НАВЛАРИДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШДА
СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ АСОСЛАШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.3.DSc/Qx74 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик (DSc) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Фан доктори (DSc) автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси <http://www.cottonagro.uz> ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исашов Анваржон,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исаев Собиржон Хусанбоевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ҳодим .

Норқулов Усмонқул,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Ёрматова Дилором Ёрматовна,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Qx/42.01 рақамли илмий Кенгашнинг _____ 2020 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел(+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail:Piim@agro.uz

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел(+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ да тарқатилди.

(2020 йил “___” _____ даги рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

Ж.Х. Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фан доктори(DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича экиладиган соя майдони бўйича дуккакли дон экинлари орасида биринчи ўринда туради. Соя майдонлари ҳажми жиҳатидан дуккакли экинлар ичида энг катта майдонни эгаллайди, яъни 107 млн. гектарни ташкил қилади. Экин майдонлари АҚШда 36.3 млн, Бразилияда 33,7 млн, Хитойда 11 млн, Японияда 3 млн, Канадада 2,5 млн, Россияда 1,4 млн гектарни ташкил қилади. Шунингдек Хиндистон, Корея, Вьетнам, Индонезия, Европа давлатларида, Шимолий Африка, Австралия ва ер шарининг кўпгина мамлакатларида экилади. Охирги маълумотларга кўра, 2017 йил Бразилия давлатида 106,9 млн. тонна соя етиштирилган. Кейинги йилларда 33,3 млн гектар майдонга соя ўсимлиги экилмоқда ва ўртача дон ҳосилдорлиги 31,4 центнерни ташкил қилган. Аргентина давлатида 58,5 млн тонна соя етиштирилиб, бу давлат ҳам соя майдонларини сезиларли даражада кенгайтirmoқда. Россия давлатида ҳам соя майдонлари йилдан-йилга кенгаймоқда ва дон ҳосилдорлиги ошиб бормoқда. 2016 йилда дунёда соя майдонлари 118,8 млн гектарга етди, бу кўрсаткич 2015 йилга қараганда 2,9 фоиз ёки 61,5 минг гектарга кўпайган.¹ Республикамизда 2019 йилда жами 19,8 минг гектар майдонда экилиб, ялпи ҳосилдорлик 39200 тоннага ёки 2018 йилга нисбатан 6700 тоннага ошган.

Дунёда соя ўсимлигини етиштиришни кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш ва ердан унумли фойдаланиш технологияларини, юқори маҳсулдор навлар учун минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари, муддатлари ва усуллари, экинларни самарали навбатлаб экиш тизимларини қўллаш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари изланишлар олиб бормoқда. Шундан келиб чиқиб, ердан самарали фойдаланишда тупроқ – иқлим шароитларига мос экин турларини тўғри танлаш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва мунтазам ошириш ҳамда мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республика деҳқончилигида такрорий экин сифатида дуккакли дон ўсимликлардан сояни экиш анча эътиборга молик. Чунки бу ўсимлик дон, оқсил ва мой муаммоларини ҳал қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлаштириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “... қишлоқ ва сув хўжалигини илм-фан ютуқларини жорий этиш асосида ривожлантириш, унинг экспорт салоҳияти самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш”² муҳим вазифалардан бири этиб белгилаб берилган. Бундан ташқари маълумки, республикамизда йиллик ҳароратнинг юқорилиги, қишлоқ

¹ https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_countries_by_soybean_production, <https://en.wikipedia.org/wiki/Soybean>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

хўжалиги экинларини етиштиришда жадаллаштирилган тупроққа ишлов бериш усулларини қўлланилиши ҳамда экинларни суғориш оқибатида тупроқда тўпланган табиий чиринди захираси камайди, натижада тупроқ ўзининг биологик хоссаларини йўқота борди, экинлар ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Такрорий экинлар сифатида маккажўхори, мойли экинлар, сабзаёт экинлари ва ниҳоят соя экиш мумкин. Ушбу экинлар орасида соядан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича агротехнологияни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли “2016-2020-йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2832-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сонли “Республикада соя етиштириш ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Такрорий соя навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мунтазам ошириш, экинларни самарали навбатлаб экиш тизимларини қўллаш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академияси (Россия) ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон) да изланишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда турли алмашлаб экиш тизимларини қўллаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга оид жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: такрорий экин сифатида экилган сояни органик қолдиқлари орқали тупроққа қайтган озика моддалар миқдори аниқланган. (United State Agricultural Department, Cotton Research Institute CRI); кўшимча ва арзон дуккакли дон экинлари етиштириш технологияси ишлаб чиқилган (Australian Cotton Research Institute, Cotton Research and application Center); донли ва дуккакли экинларни етиштириш натижасида тупроқнинг структураси ҳамда унумдорлигини оширишга эришилган (Indian Central Institute for Cotton Research).

Бугунги кунда ер юзида соядан юкори ва сифатли ҳосил етиштириш учун куйидаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли-тупроқ иқлим шароитларига мос ёз ойларининг юкори харорати тупроқнинг шўрланиш даражасига чидамли, минерал ўғит меъёри, экиш муддати ва меъёрларини ҳисобга олган ҳолда юкори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларини қўллаш, ресурс ва энерго тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соя ўсимлигини такрорий ёки оралиқ экин экиш шароитида Республиканинг айрим худудларида Д.Е.Ёрматова, И.А.Исроилов, К.М.Мирзажонов, М.Маннопова, Ч.П.Горохов, А.М.Кўчқаров, Х.Н.Атабаева, Г.Ўринбаева ва бошқалар илмий тадқиқотлар ўтказишган. Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда соянинг таъсири ҳамда суғориш тартибларини белгилаш бўйича Россияда Б.Е.Енкин, Т.П.Рязанцева, Я.К.Малнои, В.М.Степанова, М.И.Светцова, Доғистонда Э.С.Масандилов, Ш.М.Магамедов, Қозоғистонда М.Н.Ерлеспесов, О.Т.Турешов, АҚШда J.Schlecher, S.Madjar, M.Vrataris, W.K.Robertson, T.A.Vuan, V.Kumar, Австралияда K.Binder каби олимлар томонидан кенг қамровда илмий-тадқиқотлар ўтказилган.

Лекин, Фарғона водийсининг тупроқ-иқлим шароитларида такрорий экин сифатида экиладиган соя навларига ризоторфин билан ишлов беришнинг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсимликнинг ҳосилдорлигига таъсири, соя навларининг суғориш тартиблари бўйича сув мувозанатини, суғориш технологияси элементларининг сояни сув сарфига таъсири бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари, режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Фарғона водийси шароитида тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини оширишга қаратилган гидромелиоратив тадбирларни самарали усулларини тадқиқот қилиш” мавзусида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Андижон қишлоқ хўжалиги институтини илмий тадқиқот ишлари истиқболли режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийсининг ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган соя навларининг илмий асосланган суғориш тизимлари ва усулларини турли суғориш тизимларида тупроққа ишлов бериш усуллари, мақбул озиклантириш тартибларини ва уларнинг соя ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири аниқлаш ҳамда бу бўйича илмий-амалий тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган соя навларидан юкори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг мақбул суғориш тизимлари ва соя навлари ўсимликларининг сув истеъмолини ўрганиш;

ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида соянинг Юг-30 ва 5334 навлари суғориш тизимларига ҳамда ризоторфин билан ишлов берилишига боғлиқ ҳолда дон ҳосили ва унинг сифатига таъсирини аниқлаш;

ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида такрорий сояни етиштиришда тупроққа ишлов бериш усуллари ва озиклантириш меъёрига суғориш тизимларининг таъсирини аниқлаш;

ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида соя навлари ҳосилини шакллантириш даражасининг суғориш тизимига ва сув сарфига боғлиқлигини аниқлаш;

ўтлоқи ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида суғориш тизимига боғлиқ ҳолда такрорий соя навларини етиштиришнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини ва унинг самарадорлигини иқтисодий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийсининг ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлари, соянинг “Юг-30”, “5334”, “Орзу”, “Дўстлик” навлари, тупроққа ишлов бериш усуллари, суғориш тартиблари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб суғориш тартиблари, суғориш технологиясининг айрим элементлари, маъдан ўғитлар меъёри, такрорий соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ўсимликларнинг туп сони, ҳосилдорлиги ва экиш муддатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот дала ва лаборатория шароитларида олиб борилиб, бунда “Методика полевого опыта”, “Қишлоқ хўжалиги экинлари давлат нав синовлари услуги”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Тупроқ ва ўсимликларни агрохимё ва агрофизик тадқиқотлар услублари” каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Маълумотларни математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасида келтирилган дисперсион таҳлил услуги бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона водийсининг ўтлоқи ва оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий соя навларини етиштиришда тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда илмий асосланган мақбул суғориш тартиблари, уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологияси ишлаб чиқилган, сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтиришдаги самарадорликлари аниқланган;

ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида соянинг “Юг-30” ва “5334” навларин мақбул суғориш тартиблари, уларнинг сув истеъмоли аниқланган;

сизот сувлари яқин жойлашган ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида такрорий соя навларининг уруғларига белгиланган меъёрда ризоторфин билан ишлов берилган ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70% тартибда суғорилганда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун мақбул шароит яратилган;

сояни суғориш технологиясининг тупроқ сув физик хоссаларига таъсири аниқланиб, суғоришлар эгат оралатиб плёнка тўшаб ўтказилганда соядан юқори дон ҳосили олиш учун мақбул шароит яратилиши аниқланган;

қўлланилган агротехнологияларнинг соя экинидаги иқтисодий самарадорлиги исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сизот сувлари яқин жойлашган ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида такрорий соя навларининг уруғига белгиланган меъёрда ризоторфин билан ишлов берилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70% тартибда 1-2-1 тизимда суғорилганда соя навларининг ўсиши ва ривожланиши учун мақбул шароит яратилгани кузатилганлиги ва соянинг Юг-30 ва 5334 навларидан мутаносиб равишда 21,2 ва 26,7 ц/га дон ҳосили олишга эришилган;

ўтлоқи бўз тупроқларда суғориш технологиясининг айрим элементларини қўллашда соянинг Орзу ва Юг-30 навларидан юқори дон ҳосили олиш учун эгат оралатиб плёнка тўшаб суғориш ва суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-80-70% тартибда сақлаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларини вариацион-статистик таҳлил қилиши натижасида ўз ифодасини топганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибада олинган маълумотларнинг маҳаллий ва чет эл илмий нашрларида чоп этирилиб, мутахассислар томонидан хулосалар берилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилиниб муҳокамалардан ўтганлиги, натижалар бўйича тавсия қилинган ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги мазкур ишнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Фарғона водийсининг ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлари шароитида такрорий экин соя етиштиришда суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроққа ишлов бериш усуллари ва озиклантиришнинг мақбул меъёрлари илмий асосланганлиги, сув ва ресурстежамкор агротехнологияларнинг соя ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги дон сифат кўрсаткичларига таъсири, шунингдек, такрорий экилган соя навларининг уруғларига ризоторфин билан ишлов бериш ва тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70 фоиз тартибда суғоришни амалга оширилганда, ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши ва серҳосил бўлиши учун мақбул шароит яратилиши илмий асосда исботланганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти эса Фарғона водийсининг ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқ шароитларида йил давомида самарали фойдаланилиб, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехникаларини Андижон ва Наманган вилоятининг фермер хўжаликларида қўлланилиши натижасида тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ва иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида тупроқ унумдорлигини яхшилаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, қисқа навбатлаб экиш тизимида такрорий экин сифатида сояни экиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

соя уруғини экиш, соя ўсимлигини етиштиришнинг агротехникаси бўйича “Кузги буғдойдан кейин такрорий экилган соя ўсимлигини етиштириш бўйича амалий тавсиялар” ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 сентябрдаги 02/021-2176-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар Фарғона водийси фермер хўжаликларида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган соя ўсимлигини етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Фарғона водийсининг ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқ шароитларида ғўзанинг мақбул ўғит микдорлари (2012-2013 йиллари) фермер хўжаликларида 180 га гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 сентябрдаги 02/021-2176-сон маълумотномаси). Ушбу технологияларни жорий этиш натижасида 5,2 ва 6,9 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштиришга эришилди;

соя ўсимлигининг мақбул суғориш тартиблари (2013-2017 йиллари) ва суғориш усуллари (2015-2016 йиллари) Фарғона водийсининг фермер хўжаликларида 347 га майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 сентябрдаги 02/021-2176-сон маълумотномаси), натижада рентабеллик даражаси 97% гачани ташкил қилди;

Андижон вилоятининг Олтинқўл, Андижон ва Шахрихон туманлари ҳамда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон, Чортоқ ва Наманган туманларидаги фермер хўжаликларида соя етиштириш технологияси жами 527 гектарда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 сентябрдаги 02/021-2176-сон маълумотномаси). Натижада соя ҳосилдорлиги 25 ц/га ни ташкил қилди, гектаридан 600-800 минг сўм соф фойда олинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Андижон қишлоқ хўжалиги институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг Илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 7 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси

тараққийетининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фарғона водийси шароитида такрорий экин соя навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда суғориш тизимларини асослашга оид илмий адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, такрорий экин соянинг тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашдаги аҳамияти, аҳолини кундалик озиқ-овқат талабларини қондирадиган дуккакли-дон экинларининг аҳамияти, асосий экин сифатида етиштириш тупроқ унумдорлигини сақлашга ҳамда оширишга хизмат қилиши борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари таҳлили келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнги саҳифасида тупроқ унумдорлигини оширишда муаммолар мавжудлиги ва такрорий экин сифатида соя ўсимлигини экишни фермер хўжаликларида жорий қилиш кераклиги ҳақида хулоса берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот шароитлари, объектлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари ёритилган.

Фарғона водийсининг эскидан суғориладиган ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлари шароитида сизот сувлари 1,5-3,0 ва 5-10 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, унинг ҳайдалма қатламида (0-30 см) чиринди миқдори ўртача 1,28 ва 1,47 %, умумий азот 0,120 ва 0,148 %, фосфор 0,79 ва 0,228 %; нитратли азот 22,32 ва 20,5 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 25,2 ва 24,5 мг/кг, алмашувчи калий 228 ва 220 мг/кг ни ташкил этган ҳолда, тупроқ азот ва фосфор билан кам даражада калий билан ўртача таъминланганлиги қайд этилган.

Тажриба ўтказилган йилларда ҳаво хароратининг кўп йиллик кўрсаткичларига нисбатан ўзгариши 2,3 даража (1998 йил), 2,3 даража (1999 й), 1,8 даража (2000 йил) июнда 24,7-26,8 °С, июлда 26,5-28,4 °С, августда 20,5-21,3 °С, сентябрда 13,3-15,5 °С бўлганлиги кузатилган.

Тадқиқотлар ўтказилган йилларда иқлим шароитларининг мақбул бўлганлиги кузатилган бўлиб, тажрибалар дала ва лаборатория шароитида олинган натижалар “Қишлоқ хўжалиги экинлари давлат нав синовлари услуги” (1964), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент, 2007) қўлланмалари асосида олиб борилган. Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотларга аниқлик киритиш ҳамда натижалар ва қўлланилган агротадбирларнинг бир-бирига мослиги ва регрессияли боғлиқлиги Б.А.Доспеховнинг “Дала тажриба услуги” (1985) қўлланмасида баён қилинган дисперцияли таҳлил услуги асосида ишлаб чиқилган.

Дала тажрибаларини бошлашдан аввал ва тажрибаларда ўрганилган барча қишлоқ хўжалиги экинларининг амал даври боши ва охирида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва остки (30-50 см) қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, унда умумий чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.П.Гриценко, И.М.Малцева, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий алангали фотометрда П.В.Протасов усулларида аниқланган.

Тажриба даласи тупроғининг сув-физик хоссаларининг ўзгаришини аниқлашда “Методы агрофизических исследований” (Тошкент. 1973) қўлланмасидан фойдаланилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги цилиндрлар ёрдамида, ғоваклиги ва механик таркиблари аниқланган. Диссертация иши дастурига мувофиқ илмий изланишлар Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз ва Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида учта тажриба тизими бўйича олиб борилганлиги келтирилган. Ушбу кўрсатилган тизимлар бўйича илмий изланишларда ҳар бир тажриба даласида ўтказилган барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилган ва тадқиқотлар объекти сифатида олинган соя навларининг биологик тавсифи баён қилинган.

Диссертациянинг **“Соя етиштиришда мақбул суғориш тартиблари ҳамда тупроқ унумдорлигига соянинг илдиз ва анғиз қолдиқларининг таъсири”** деб номланган учинчи бобида суғориш тартиблари, тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) ва суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш муддатлари, соя навларининг суғоришдаги сув миқдори ва соя даласининг умумий сув истъемолини аниқлаш ҳамда ризоторфин бактериал ўғитнинг соя навларининг ўсиши, ривожланиш ва ҳосилдорлигига таъсирини 1998-2000 йилларда олиб борилган тадқиқот натижаларининг таҳлили баён қилинган.

Соянинг Юг-30 ва 5334 навларида ҳам бир ҳил тупроқ намликлари бўйича суғориш меъёрлари ва муддатлари белгиланган. Тупроқни 0-30 см қатламида 5 нуқтадан олинган намуналардан ўртачаси 23,4% ни, 30-50 см да бу кўрсаткич 23,7 % ни, 50-70 см да эса 22,5 % ни, 0-50 см да – 23,6 % ва 0-70 см да 23,2 % ни ташкил қилди. Соя навларини белгиланган тупроқ намликларида ЧДНСга нисбатан 70-70-70; 70-80-70 ва 80-80-80 % суғориш меъёрлари асос қилиб олинган.

1998 йилда суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-70-70% қилиб белгиланган 1 ва 7 вариантларда 1-суғоришда тупроқ намлиги соя навларига мутаносиб равишда 0-30 см ли қатламда қуруқ тупроққа нисбатан 16,3 ва 16,5 % ни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар 30-50 ва 50-70 см да 16,5-16,1 ва 15,7-15,4 % га тенг бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-70 % тартибда изланиш йиллари икки мартадан суғорилди. 2 суғоришда ҳақиқий тупроқ намлиги қатламларга мутаносиб равишда 16,5; 16,7 ва 15,2 % ҳамда 16,8; 16,7 ва 15,2 % ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар ЧДНСга нисбатан олинганда 70,5; 70,4 ва 67,5 ҳамда 68,8; 67,7 ва 67,5 % ни ташкил қилган, ҳайдалма

қатламда тупроқни ҳақиқий намлиги белгилангандан 0,5 га кўпроқ ва 2,5 % га камроқ бўлганлиги кузатилган.

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-80-70 % қилиб белгиланган 2 ва 8-вариантларда соя навларини амал даври давомида 3 мартадан суғорилган. Биринчи суғоришда тупроқ намликлари куруқ тупроққа нисбатан қатламлари бўйича тегишлича 16,5; 16,5 ва 15,6 % ни ҳамда 16,5; 16,0; 15,5 % ни ёки ЧДНСга нисбатан мутаносиб равишда 70,5; 69,6 ва 69,3 % га, ва 70,5; 67,6 ва 68,3 % ни ташкил қилган. Кейинги суғоришда ЧДНСга нисбатан 80 % бўлиб, ҳақиқий намлик эса куруқ тупроққа нисбатан тупроқ қатламларига мос ҳолда (2-суғоришда) 19,0; 19,4 ва 18,5 % ҳамда 19,1; 19,6 ва 18,6 % ни, ЧДНСга нисбатан эса 81,2; 81,8 ва 82,2 % ҳамда 81,6; 82,3 ва 82,6 % ни ташкил қилди. 3-суғоришларда эса бу кўрсаткичлар 16,7; 16,5 ва 15,7 (69,6; 69,6 ва 69,7 %) ни ҳамда 16,4; 16,7 ва 15,6% ни (70, 70,4 ва 69,5 %) ташкил этган.

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 80-80-80% қилиб белгиланган вариантларда изланиш йилларида 4 мартадан суғорилган бўлиб, 1-сувдан олдин ҳақиқий тупроқ намликлари соя навлари ва тупроқ қатламларига мутаносиб равишда куруқ тупроққа нисбатан 19,2; 19,5 ва 18,0 % ҳамда 19,1; 19,0 ва 18,5 % га тенг бўлиб, ЧДНСга нисбатан эса 82,1; 80,2 ва 80,0 % ҳамда 80,6; 80,1 ва 82,2% ни ташкил қилган. Суғоришнинг кейингиларида ҳам ҳақиқий тупроқ намликлари белгилангандан кўп фарқ қилмаган.

1998 йилда 1-суғориш соянинг Юг-30 ва 5334 навларининг суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 80-80-80 % қилиб белгиланган вариантларда 1 июлда бошланган. Бунда тупроқни 0-30 см ли қатламидаги намлик ҳисобга олиниб соя навларида мутаносиб равишда 590 ва 580 м³/га сув берилган. Иккинчи суғориш тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-80 % бўлган вариантларда бошланиб, 20 июлда амалга оширилди. Бунда суғориш меъёрлари 630 ва 650 м³/га ни ташкил қилган ҳолда суғоришлар орасидаги муддат 20 кунга тўғри келганлиги кузатилган. Ундан сўнг тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 70-80-70 ва 70-70-70% қилиб белгиланган вариантларда иккинчи муддат 28 июл ва 3 августда мос равишда 620-610 ва 990-990 м³/га миқдорда сув берилган.

Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-70 % тартибдаги вариантларда умуман 2 мартадан сув берилди ва иккинчи муддат 28 кундан кейин 3 августда амалга оширилган. Суғориш меъёрлари бу вариантларда мутаносиб равишда 990 ва 990 м³/га ни ташкил қилган ҳолда мавсумий суғориш меъёрлари 1940 ва 1910 м³/га ни ташкил қилди ҳамда суғориш 1-1-0 тизимда амалга оширилганлиги баён қилинган.

Учинчи сув 7 августда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-80 % бўлган вариантларда давом эттирилиб, оралиқ муддатлар 17 кунга тўғри келган. Суғориш меъёрлари 640-670 м³/га ни ташкил қилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70% қилиб белгиланган вариантларда 3 марта сув берилиб, учинчи суғориш 24 кундан кейин амалга оширилди ва суғориш меъёрлари 910-890 м³/га ни, мавсумий

суғориш меъёрлари эса 2400 ва 2340 м³/га ни ташкил этган ёки суғоришлар 1-1-1 тизимида амалга оширилган.

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 80-80-80 % қилиб белгиланган вариантларда ҳаммаси бўлиб, 4 марта сув берилиб, охириг мудат 18 кундан сўнг 25 августда амалга оширилди ва 650-650 м³/га сув берилган. Бу вариантларда мавсумий суғориш меъёрлари 2510-2550 м³/га ни ташкил қилган ҳолда суғоришлар 1-2-1 тизимда амалга оширилган. Суғоришда берилган сув миқдори барча вариантларда бир хил бўлиб, 0,1 л/сек ни ташкил қилган.

Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 70-70-70% қилиб белгиланган вариантда 1 марта суғоришда 950 м³/га сув берилган ҳолда тупроққа сингган сув 898 м³/га ни, оқава суви 52 м³/га, исрофи эса 5,5 % га тўғри келган.

Ушбу тупроқ намлигида 2 марта сув берилган бўлиб, 2 суғоришда юқоридаги кўрсаткичлар мутаносиб равишда 990; 926 ва 54 м³/га ни ҳамда 5,6 % ни ташкил қилган. Бу эса 1чи суғоришга нисбатан бироз юқори кўрсаткичлар бўлиб, оқава сувини чиқиши 2 м³/га, исрофи эса 0,1% га кўпроқ бўлди, чунки бу мудатда тупроқ анча зичлашиб қолиб, ҳажм массаси ортган ва ташламани чиқишига сабаб бўлган.

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-80-70% қилиб белгиланганда биринчи сувда суғориш меъёри 870 м³/га ни, тупроққа сингган қисми 831 м³/га ни, оқава суви 39 м³/га ва исрофи 4,5% ни ташкил қилдики, бу кўрсаткичлар 70-70-70% бўлган намликка нисбатан оқава сувини чиқиши 13 м³/га исрофи эса 1,0 % га камроқдир. Иккинчи суғоришда бу кўрсаткичлар 620; 596; 24 м³/га ва 5,7 % ни, учинчиси (охиргиси) да эса 910; 866, 41 м³/га ва 6,5 % ни ташкил қилиб, қолган икки тупроқ намлигига нисбатан мақбулроқ кўрсаткичлар олингани аниқланган.

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 80-80-80% бўлган вариантда мавсум давомида 4 марта сув берилиб, 1 марта суғориш меъёри суғориш сонларига мутаносиб равишда 590; 630; 640 ва 650 м³/га ни, тупроққа синггани 537; 597; 608 ва 621 м³/га, оқава сув миқдорлари 40; 42; 42 ва 32 м³/га ни ва исрофи 5,6; 5,2; 5,5 ва 4,5% ни ташкил қилган.

Сув исроф бўлиши биринчи сувдан охиригига томон барча вариантларда ҳам камайгани кузатилган. Нисбатан сувни кўпроқ исроф бўлиши тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-80 % тартибда суғорилган вариантларда кузатилса, камроғи 70-80-70 % тартибда амалга оширилган.

Соя навларининг суғориш технологиясини аниқлашда барча вариантларда эгатга берилган сув тезлиги (0,1 л/сек), шимилишнинг маълум вақтдаги тезлиги (1) ва эгат узунлиги (50 м) бир хил бўлганлиги кузатилган.

Соянинг Юг-30 навини суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-70-70% бўлган вариантда биринчи сувда суғориш меъёри миқдори 940 м³/га, умумий сингиш 898 м³/га, фильтрацияси 60 м³/га ва оқава суви 52 м³/га ни, сувни эгатдан охиригига етишига 3,9 соат, суғориш вақтига 28 соат, умумий вақт эса 31,9 соатни ташкил қилиб, сувни сингиш параметридан – шакланган шимилиш тезлиги 0,0096, СФК 0,78 га тенг бўлган.


Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-80-70% бўлганда, соф сингиш 898 м³/га ни, оқава суви 52 м³/га ни, умумий кетган вақт 32,9 соатни ташкил қилиб нисбатан мақбул бўлганлиги аниқланган.

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 80-80-80% бўлган вариантда суғориш меъёри миқдори 590 м³/га ни, оқава суви 33 м³/га ни ташкил қилиб, 70-80-70% дан бироз пастроқ, лекин суғоришга кетган умумий вақт (30,9 соат) эса камроқ бўлгани, бунда суғориш меъёрлари бироз камроқ бўлганлиги учун вақт сарфи озроқ бўлганлиги қайд қилинган.

Соя навларини охириги суғоришда шаклланган шимилиш тезлиги (0,0165 ва 0,0170) бироз ортиб, СФК (0,74-0,74) эса камайганлиги аниқланган. Соя навлари учун мақбул суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 70-80-70% да бўлиши кераклиги айтиб ўтилган.



Ризоторфин билан ишлов берилмаган вариант



Ризоторфин билан ишлов берилган вариант

1-расм. Ўтлоқи бўз тупроқда соядан бир центнер дон ҳосили олиш учун сарфланган сув миқдори (м³/ц).

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-80-70% бўлган вариантда ўртача соя донининг ҳосили 16,2 ц/га ни, 1 ц дон ҳосили учун 230 м³/ц сув сарфланиб, 1 м³ сув ҳисобига 422 г дон ҳосили олингани аниқланган.

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 80-80-80% бўлган вариантда ўртача дон ҳосили 16,3 ц/га ни, 1 ц дон ҳосили учун 250 м³ сув сарфланиб, 1 м³ сув ҳисобига 400 г дон ҳосили олингани аниқланган (1-расм).

Суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % дан 80-80-80 % га ортиши билан ризоторфин қўлланилмаган ҳолда “Юг-30” навининг баландлиги 38 см дан 40 см гача, “5334” навининг баландлиги эса 40 см дан 44 см гача ортганлиги, ризоторфин қўлланилганда бу вариантлар кўрсаткичлари 48-52 см ва 60-64 см ни ташкил этган.

Соя навларининг баландлиги аввало ўсимлик навига, суғориш тартибларига ва ризоторфинни қўлланилганлигига боғлиқлиги аниқланиб, соянинг энг баланд бўйи (64 см) суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 80-80-80 % бўлганда, “5334” навида ризоторфин қўлланилганда кузатилган.

Тажрибада соянинг “Юг-30” ва “5334” навлари уруғига ризоторфин бактериал ўғит билан ишлов берилмаганда дуккаклаш ва пишиш даврида илдиздаги туганак сони мутаносиб равишда 3,8-4,4 ва 4,5-8,8 донани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ризоторфин билан ишлов берилган вариантларда 22,2 ва 43,8 донани ташкил этиб, нисбатан юқори кўрсаткичлар соянинг “5334” навида ризоторфин билан ишлов берилганда олинди, тўла пишиш даврида 53,9 дона/тугни ташкил қилганлиги аниқланган.

Амал даврини узун ва қисқалиги соянинг навига ҳам боғлиқлиги аниқланиб, соянинг “Юг-30” навини амал даври ўртача 78-83 кунни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич “5334” навида 84-88 кунни ташкил этганлиги аниқланган.

Ризоторфинни суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда соя навларининг дон ҳосилига таъсири бўйича ризоторфин билан ишлов берилмаганда “Юг-30” навининг суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 70-70-70% бўлган (назорат) вариантида ҳосилдорлик ўртача 3 йилда эса 14,3 ц/га ни суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 70-80-70% бўлганда ўртача дон ҳосили 15,1 ц/га ни, 80-80-80 % да эса 15,2 ц/га ни ташкил қилиб, дон ҳосили миқдори деярли тенг бўлганлиги аниқланган.

Соянинг “5334” навида дон ҳосили юқоридаги суғориш тартибларида мутаносиб равишда ўртача 3 йилда 14,7; 16,0 ва 15,6 ц/га ни ташкил қилиб, “Юг-30” навига нисбатан 0,4; 0,9 ва 0,4 ц/га ортиқча бўлганлиги кузатилди.

Тажрибада энг юқори дон ҳосили (26,7 ц/га) “5334” навида ризоторфин қўлланилиб, суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан 70-80-70% қилиб белгиланганда олинган. Соя навларининг куруқ массаси ва дони таркибидаги озика бирликлари ва оксил миқдорлари суғориш тартиби ва ризоторфин таъсирида ўзгариши кузатилган. Энг юқори кўрсаткичлар хар икки соя навлари ЧДНС га нисбатан 70-80-70% тартибда суғорилганда ва ризоторфин қўлланилганда олинган, “5334” навининг кўрсаткичлари “Юг-30” навиникига нисбатан юқори бўлганлиги кузатилган. Ўсимликдаги жами азотнинг нисбатан кўпроқ миқдорлари ризоторфин

қўлланилганда кузатилиб, суғориши тартибларига мутаносиб равишда 45,2; 44,8 ва 45,6 кг/га ни ташкил қилиб, ризоторфин таъсиридан қўшимча 22,0; 20,7 ва 21,2 кг/га ни ташкил қилади. Назарий жиҳатдан ҳисобланганда тупроқдан олинган азот миқдорлари 30,2; 30,6 ва 30,8 кг/га ни, ҳаводан эса 79,2; 80,1 ва 81,0 кг/га га тенг бўлганлиги кўрсатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Соянинг Юг-30 навини ризоторфин билан боғланган биологик азотнинг миқдорига таъсири (кг/га)

Вар.	Ер устки қисмида			1 метр чуқурликдаги илдиз қолдиқ-Лари	Ҳақиқатда		Назарий ҳисоблаганда	
	Сомон поя	Илдиз қолдиқ-лари	Жами		Ўсимликда боғланган жами азот	Тупроқ-да қолгани	Тупроқ-дан олинди	Ҳаводан олинди
1998 йил								
1	61,3	4,1	65,4	20,1	85,5	23,5	25,1	60,4
2	61,2	4,3	65,6	20,3	85,9	24,1	24,2	61,7
3	60,7	4,2	64,9	21,2	86,1	25,2	27,1	59,0
7	72,4	6,4	78,8	28,6	107,4	44,2	30,1	77,3
8	72,6	6,3	78,9	30,4	109,3	44,4	30,2	79,1
9	74,5	6,5	81,0	30,2	110,2	45,1	30,4	80,2
1999 йил								
1	60,8	4,0	64,8	20,1	84,6	23,2	25,4	60,3
2	61,0	4,2	65,2	20,2	85,3	24,0	24,6	61,2
3	61,4	4,3	65,7	21,4	86,2	25,1	27,1	59,6
7	70,4	6,2	76,8	28,6	106,4	44,6	30,4	78,4
8	71,2	6,4	77,6	30,2	108,3	44,7	30,6	76,4
9	72,1	6,3	78,4	31,4	109,4	45,3	30,8	80,9
2000 йил								
1	61,2	4,6	65,9	20,2	85,1	23,2	25,1	60,3
2	60,9	4,4	65,3	20,4	84,3	24,1	24,6	61,4
3	61,3	4,3	64,6	21,5	86,2	24,4	27,4	59,7
7	71,0	6,3	77,3	30,0	104,1	45,2	30,2	79,2
8	70,1	6,4	76,5	31,0	108,2	44,8	30,6	80,1
9	72,6	6,3	78,9	32,4	109,3	45,6	30,8	81,0

Тадқиқот натижаларининг уч йиллик ўртача кўрсаткичлари шуни тасдиқлайдики, соянинг Юг-30 навида кўчат қалинлиги 284 минг туп

сақланган вариантга нисбатан соянинг 5334 навида энг кўп миқдорда илдиз ва анғиз тўпланган, кўчат қалинлиги 310 минг туп сақланган вариантда бўлган.

Кузги буғдойдан кейин экилган такрорий соянинг амал даври бошига нисбатан амал даври охирида тупроқ унумдорлигининг қисман ортганлиги кузатилган.

Тажриба даласининг дастлабки агрохимёвий тавсифида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламидаги гумус миқдори 1,1 % ни, озика моддаларнинг ҳаракатчан шаклларида N-NH₄-3,5 мг/кг, N-NO₃-10,1 мг/кг, P₂O₅-25,2 мг/кг ва K₂O-216 мг/кг ни ташкил этган бўлса, тупроқнинг ҳайдов ости (30-50 см) қатламида озика моддаларига мутаносиб равишда 0,89 %; 3,1; 5,2; 19,3 ва 185 мг/кг ни ташкил этган.

Тажриба ниҳоясида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, тупроқдаги озика моддаларнинг энг юқори миқдорлари соянинг 5334 навида кўчат қалинлиги 310 минг гектарига бўлганда 0-30 см ҳайдов қатламида гумус миқдори тажриба вариантларига мутаносиб равишда 1,15; 1,12; бу дастлабки миқдорга нисбатан 0,04-0,03 фоизга ортган.

Тупроқдаги озика моддалар миқдорлари дастлаб тупроқнинг 0-30 см қатламидаги N-NO₃-10,1 мг/кг, P₂O₅-25,2 мг/кг ва K₂O-185 мг/кг ни ташкил этган бўлса амал даврининг охирига келиб бу кўрсаткич N-NO₃-12,1 мг/кг, P₂O₅-28,3 мг/кг ва K₂O-192 мг/кг ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар дастлабки миқдорга нисбатан тегишлича 2,0; 3,3; 7,0 мг/кг ортганлиги баён қилинган.

Соянинг 5334 навида кўчат қалинлиги гектарига 310 минг туп сақланган вариантда қолаётган илдиз ва анғиз таркибларида NPK нинг энг юқори миқдорлари илдиз таркибида (N -1,249; P- 0,360; K-0,587 фоиз) ва анғиз таркибида (N -0,451; P- 0,201; K-0,738 фоиз) бўлса, кам миқдорлари тажрибанинг кўчат қалинлиги 284 минг/га бўлган соянинг Юг-30 навида (илдиз таркибида N -1,219; P- 0,328; K-0,560 фоиз, анғиз таркибида N -0,430; P- 0,188; K-0,712 фоиз) кузатилган.

Умуман олганда, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида соя экиш натижасида улардан қолаётган илдиз ва анғиз ҳисобига маълум бир миқдорда озика моддалар тупроққа органик қолдиқ кўринишида қайтиши яна бир бор ўз тасдиғини топган. Бу эса ўз-ўзидан кейинги йил ушбу экинлар экилган майдонларда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинларини экиб, уларнинг яхши ўсиб ривожланишини ва ҳосилдорлигини ортишини таъминлаганлиги қайд қилинган.

Диссертациянинг **“Такрорий соя етиштиришда тупроққа ишлов бериш усуллари ва ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда суғориш тартиблари”** деб номланган тўртинчи бобида тупроққа ишлов бериш усуллари, ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда суғориш тартибларини соя ҳосилдорлигига ва тупроқни сув-физик хоссаларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотлар 2010-2012 йиллари ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлари шароитида соянинг Орзу ва Дўстлик навларида олиб борилган. Тупроққа ишлов бериш, ўғит меъёрлари ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда соя навларини ўсиши 3 йилда ўртача ҳисоблаганда ўтлоқи бўз тупроқлар

шароитида соянинг Орзу навининг ўсиши учун мақбул шароит тупроқ экишдан аввал 20-22 см чуқурликда ҳайдалиб, гектарига N-50, P-90, K-60 кг ўғитлар қўлланилиб, суғоришлар тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70% да ўтказилганда соянинг баландлиги ғунчалаш, гуллаш ва дуккаклаш даврларига мутаносиб равишда 19,1; 30,5 ва 68,5 см ни ташкил қилган.

Ўғитлар меъерини N-100, P-90, K-60 кг/га ошириш ёки экиш олдида тупроқни 15-18 см чуқурликда чизеллаш ва тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 80-80-80% тартибда соянинг ўсиши бироз секинлаган. Тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80% да бўлиб ҳайдаш 20-22 см чуқурликда, ўғитлар N-50, P-90, K-60 кг/га меъёрда қўлланилганда (5 вар.) соянинг ўсиши нисбатан яхшироқ бўлганлиги (65,1 см) кузатилган. Соянинг Дўстлик навида ҳам шундай қонуниятлар сақланган ҳолда, бу навнинг баландлиги дуккакланиш даврида 65,1 см ни ташкил этиб, Орзу навида нисбатан 3,4 см пастроқ бўлганлиги баён қилинган.

Оч тусли бўз тупроқларда эса соянинг Орзу навини ўсиши учун нисбатан яқинроқ шароит экиш олдида тупроқ 15-18 см чуқурликда чизелланиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70% бўлиб, ўғитлар N-50, P-90, K-60 кг/га меъёрда қўлланилганда яратилиши аниқланган. Сояни баландлиги 65,1 см ни ташкил қилиб, суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 80-80-80% га ўзгаришда соя баландлиги 64,1 см ни, ўғитлар меъерини N-100, P-90, K-60 кг/га ортиши 63,2 см ни ва тупроққа ишлов беришда 20-22 см чуқурликка ҳайдашда 62,1 см ни ташкил қилган. Агротехник тадбирлар турининг ўзгариши соянинг ўсишига салбий таъсир этиши аниқланганлиги баён қилинган.


Соянинг Дўстлик навининг ўсиши учун мақбул шароитлар, тупроқда Орзу навида яқин бўлганлиги кузатилиб, тупроқ 15-18 см чуқурликда чизелланиб, ўғитлар N-50, P-90, K-60 кг/га меъёрда қўлланилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70% бўлганда унинг баландлиги 67,5 см ни ташкил қилган ёки Орзу навида нисбатан (65,0 см) 2,5 см га баланд бўлганлиги аниқланган.

Изланишларда, соя навларининг ўсиши учун яратиладиган мақбул шароит аввало тупроқ турларига, тупроққа ишлов бериш усулларига, ўғит меъёрларига ва суғориш тартибларига боғлиқлиги мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилган.


Соянинг Орзу нави ўсиши учун нисбатан мақбул шароит Фарғона водийсининг ўтлоқи бўз тупроқларини экишдан олдин 20-22 см чуқурликка ҳайдаш ва ўғитларни N-50, P-90, K-60 кг/га меъёрда қўллаш, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70% тартибда суғориш, Дўстлик нави учун оч тусли бўз тупроқларда экиш олдида 15-18 см чуқурликка чизелланиб, ўғитларни N-50, P-90, K-60 кг/га меъёрда қўлланиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-70% тартибда амалга ошириш мақбуллиги аниқланган.

Ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида Орзу ва Дўстлик соя навларининг энг юқори дон ҳосиллари экиш олдида тупроқ 20-22 см чуқурликда ҳайдалиб,

Ўғитлар N-50, P-90, K-60 кг/га меъёрада суғориш тартиблари эса ЧДНСга нисбатан 70-80-70% бўлганда олинди ва муносиб равишда ўртача уч йилда 25,1-23,4 ц/га ни ташкил қилган (2-расм).



Ўтлоқи бўз тупроқларда



Оч тусли бўз тупроқларда

2-расм. Соя навларини етиштиришда тупроққа ишлов бериш усуллари дон ҳосилига таъсири, ц/га (2010-2012 йиллар маълумоти)

Соянинг Орзу навида ўртача 3 йилда 24,7 ц/га, Дўстлик навида эса 21,2 ц/га дон ҳосили олинди, бу кўрсаткичлар N-50, P-90, K-60 кг/га меъёра

қўлланилган вариантларга нисбатан 0,4 ва 1,9 ц/га кам бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда, соя навларидан юқори дон ҳосили олиш учун азотли ўғитларни 50 кг/га меъёрга қўллаш етарли эканлиги, чунки соя ўсимлиги туганакларида азотни тўплаш хусусияти мавжудлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **“Соя ҳосилини етиштиришда суғориш технологиясининг аҳамияти”** деб номланган бешинчи бобида суғориш технологияси элементларининг тупроқ сув-физик хоссалари, тупроқ донаторлигининг ўзгариши, тупроқ ҳажм массасининг ўзгариши, тупроқни сув ўтказувчанлигининг ўзгаришлари, соя навларининг ўсиб-ривожланиши ва дон ҳосилига таъсири ҳамда сув сарфига таъсири ўрганилган.

2007-2009 йиллари соя навларида суғориш технологиясининг айрим элементларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида дала тажрибалари олиб борилган. Тажрибада соянинг Орзу ва Юг-30 навлари ўрганилган.

Маълумотларга кўра тупроқни 0-30 смли қатламида чекланган дала нам сифими (ЧДНС) ўртача 23,2 % га, 0-70 см да – 22,1 ва 0-100 см да - 21,2 % ни ташкил қилганлиги кўрсатиб ўтилган.

